## Ш А Р Т Н О М А № 05/22

Қўрғонтепа туман «21» 01 2022 й.

Биз шартнома тузувчилар **«FMT GAZOIL»** МЧЖ келгусида “**Сотувчи**” деб юритилади, Низомга асосланган холда унинг номидан раҳбари О.Джололов бир томондан ва Қўрғонтепа туман Ҳокимлиги иккинчи томондан бундан буён **«Харидор»** деб юритилади,жамият Низомига асосан унинг рахбари Ш. Шамирзаев иккинчи томонидан куйидаги мазмунда шартнома туздик:

### 1. Шартнома мазмуни.

.1 **«Сотувчи»** мазкур шартнома бўйича харидор автомобиллари газ баллонларига сикилган табиий газ қуйиб беради.**«Харидор»** эса махсулотларни қабул қилиш ва ўз вақтида пулини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

| № | Махсулот номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи сўмда | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сиқилган газ (метан) | М3 | 321 | 2800 | 898 800 |
| | | | | | |

Жами

Махсулотни етказиб бериш: **«Сотувчи»га қарашли** «АГНКС» орқали **«Харидор»** ихтиёрида бўлган ва тегишли хужжатларда кўрсатилган автомобиллар газ балонларига сикилган табиий газ қуйиб тўлдириб беришдан иборат.

Махсулотни етказиб бериш вақти **«Харидор»** автомобилларига сиқилган табиий газ қуйиб тўлдирилган вақти хисобланади.

Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан бирга (Саккиз юз тўқсон саккиз минг саккиз юз) сўмни ташкил этади.

### 2. Хисоб – китоб қилиш тартиби.

Сиқилган табиий газ учун тўловлар келишилган холда хар бир куба учун 2800 (икки минг саккиз юз) сўм нархида шартномада кўрсатилган суммани **«Харидор»** томонидан **«Сотувчи»**нинг банк хисоб рақамига ***100 фоиз олдиндан тўловни*** амалга оширади.Газ нархи йил давомида ўзгариши мумкин.Нархлар ўзгарган вақда **«Сотувчи»** харидорларни бу хақда 3 иш куни давомида хабардор қилинади.

Махсулотни юклаб жўнатиш(газ тўлдириш) **«Сотувчи»** томонидан махсус тарқатиш ведомости асосида хисобга олиб борилади ва ой якунида **«Харидор»га** етказиб берилган сиқилган табиий газ тўғрисида хисоб-варақ фактура тақдим этилади.

### 3. Шартноманинг бажарилиши.

3.1 Шартнома конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб хисобланади.

3.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

3.3. Етказиб берилган товар бевосита **«Харидор»**нинг маъсул ходими томонидан махсус тарқатиш ведомостига кунига қабул қилган миқдорга имзо қўйиш билан хисобга олиб борилади.

3.4.Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулотлари бевосита **«Харидор»**нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатларда ва миқдорда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.
3.5.Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

**4. Форс – мажор.**

4.1.Томонлар ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас (уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқоролар тартибсизлиги, эпидемия, ер қимирлаши , сув тошқини , енгил ва бошка табиий офатлар хукумат карорлари шулар жумласидандир.) шу каби бошқа холатларда хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдикланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.
4.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой узлуксиз давом этса. Тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб шартномани ижросини бекор қиладилар.Ушбу шартномани томонлардан бирон - бири мажбуриятини бажармаса иккинчи томонга бунинг натижасида етказилган зарарни тулайди
4.3. Юқоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

**5. Низоларни хал қилиш тартиби.**

5.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини кўрадилар.
5.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хақлидир.
5.3.Шартнома бузилиб ўзаро келишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида (иқтисодий суди) орқали хал қилинади.

**6. Шартнома муддати.**

6.1. Шартнома “**Сотувчи**” ва **«Харидор»**ларнинг масъул шахслари томонидан имзолангандан сўнг ва бюджет ташкилотлари тегишли Ғазначилик ташкилотида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йилнинг 31 декабрь кунигача амал қилади.
6.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “**Сотувчи**”да сақланади иккинчи нусхаси **«Харидор»**да сақланади.

**7. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

| **“Сотувчи”** | **«Харидор»** |
|---|---|
| “FMT GAZOIL” МЧЖ<br>Манзил:Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани<br>ХР:20208000104262632001<br>Банк номи: ЧЭКИ Савдогарбанк АТБ Андижон вилоят филиали<br>МФО: 00081 СТИР: 204549218<br>ОКОНХ: 71150<br>ТЕЛ: +998 93 448 54 48<br>Рахбари: О.Джололов. | Қўрғонтепа тумани хокимлиги<br>Қўрғонтепа ш Андижон кучаси<br>х/р 100022860032207011205018001<br>Марказий банк МФО 00014<br>СТИР 200279081<br>Ш. Шамуржаев<br>Юрист Л.Вахобжулова |